

Айтжан АЛЛАБЕРГЕНОВА

УМРИМНИНГ ФАЗИЛАТИ

Шеърлар

Тошкент
«Akademnashr»
2013

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5У)7

A51

- йз. агао.

A51

Аллабергенова, Айтжан

Умримнинг фазилати: шеърлар /

А.Аллабергенова. – Тошкент: Akadem-nashr, 2013. – 48 б.

ISBN 978-9943-4120-7-1

УЎК: 821.512.133-1

41839
No Ogj

КБК: 84(5У)7

Бу шеърлар беш нафар фарзандни тарбиялаб
оёқка кўйган, ўндан ортиқ набирани ардоқлаб катта
қилаётган, ҳаётий тажрибаси улкан Онахон-
нинг битганиларидир. Китобдаги инсоний меҳр-оқи-
бат, ота-она олдидағи фарзандлик бурчи, қолаверса,
Ватан, эл-улус қаршиисидаги фуқаролик масъулияти
хусусидаги шеърлар ҳам азиз китобхонларни бефарқ
қолдирмайди деган умиддамиз.

2014/8

Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston M

A

618

ISBN 978-9943-4120-7-1

© Айтжан Аллабергенова

«Умримнинг фазилати»

© «Akademnashr», 2013

СЎЗБОШИ

Айтжан Аллабергенованинг асл касби шифо-кор. У 1954 йилнинг 10 майида Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманига қарашли Гужум қишлоғида адабиётта меҳр қўйган зиёли оиласда таваллуд топган. Мактабни тугаттгач тиббиёт билим юртида таҳсил олди. Кейин узоқ йиллар Тўрткўл шаҳри касалхонасида ҳамширалик қилган.

Айтжон Аллабергенова гарчи шоирликка даъво қилмаса-да, ёшлигидан шеър ёзади. «Умримнинг фазилати» дея номланган илк мажмуасидан жой олган шеърларини ўқиркансиз, ҳар бир битикда аёлларга хос зийрак нигоҳни илгайсиз. Муаллиф мавзу танлаб, китоблар тит-киламайди, шоиранинг шеърларида энг одатий кундалик ҳаёт, турфа ишлар, кайфият, ижтимоий ҳаётдаги, оиласдаги инсоний муносабатлар акс этади. Мана шу одми шеърлар бағрида ҳам ўзиға хос бадиий, ҳатто фалсафий хулосалар мавжудлиги ўқувчини хурсанд қиласди. Шоира юр-

тимиздаги бунёдкорлик ишларидан фахрланиб қалам сурадими, унинг келажаги бўлган ёшларга ўз тажрибасини улашадими, болам-чақам деб тунларни бедор, беором ўтказгувчи онаизорларнинг қалб кечинмаларини қоғозга туширадими, бундан қатъи назар, ҳамма-ҳамасида бир илиқлик, самимият барқ уриб туради.

Боиси бу шеърларни беш нафар фарзандни тарбиялаб оёққа қўйган, ўндан ортиқ набирани ардоқлаб катта қилаётган, ҳаётий тажрибаси улкан онахон битган. Китобдаги инсоний меҳр-оқибат, ота-она олдидаги фарзандлик бурчи, қолаверса, Ватан, эл-улус олдидаги фуқаролик масъулияти хусусидаги шеърлар ҳам сиз азиз китобхонларни бефарқ қолдирмайди деган умиддамиз.

Муҳиддин ОМОН, шоир,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ВАТАНИМ

Дунё ичра дурдонадир Ватаним,
Дунё ичра бир донадир Ватаним.
Бу Ватанда яшаганлар хор бўлмас,
Адолатда ягонадир Ватаним!

Ватанимнинг гул боғлари, тоги бор,
Олтин далам, дилларда ардоғи бор.
Энг муҳими, юртимни обод қилган
Деҳқон элим – қўллари қадори бор.

Гул юзидан нур таратиб яшайди,
Оlam аҳлини лол қаратиб яшайди.
Сарбони ҳам тинчлик учун посбондир,
Ҳар юракда баҳт яратиб яшайди.

Кўз тегмасин юртимнинг жамолига,
Истиқлолдан нур ичган иқболига.
Юртбошимнинг келажакда ишончи –
Янги авлод, ёшларнинг камолига!

Келажаги буюк юрт имконини,
Шу ёшларда кўрамиз нишонини.
Илму ирфон, одоб билан лол қилиб
Кўтарсинглар ўзбегимнинг шонини!

ОНАМГА

Онам ўтирибди чинор остида,
Оқ рўмол ўраган фаришта мисол.
Хушсурат онамнинг чевар дастида
Мен тикиб қолдирган ўша дастрўмол.

Дарвозалар очиқ, кўзи нигорон,
Супа узра олис йўлга ҳарайди.
Маъюс нигоҳида соғинч намоён,
Нуқра соchlарини шамол тарайди.

Оҳ онам, мунисим, бағрингизга бош
Қўйиб ётганимга неча йил бўлди?
Меҳрингизнинг нури бамисли қуёш,
Сизни қўмсаб рангим заъфарон бўлди.

Олис кетиб, соғинч нелигин билдим,
Бугун пойингизни тавоғ қилурман.
Элликка кирсам-да болалик қилдим,
Сиз учун юзда ҳам бола бўлурман.

Онажон, ишонинг, мен энди бошқа,
Мутлақо ўзгардим, ўзим онаман.
Онажон, мен сизни кўтарай бошта,
Сиз энди шам бўлинг, мен парвонаман...

ОНА ҚИШЛОГИМ

Она қишлоғим – Гужум,
Боғида олма, узум.
Менга қадрдон тупроқ
Минг шаҳардан азизроқ.

Ёшлик чөгим ўтган жой,
Қир бошидан келар сой.
Болалигим паноҳи,
Шўхликларим гувоҳи.

Тушларимга кирган юрт,
Мен-ла бирга юрган юрт.
Қайда бўлсам ўйимда,
Қалбимда, кўз ўнгимда

Намоёндир дўстларим,
Сирдош, ширинсўзларим.
Бугун келдим қошингга,
Сиғинай ҳар тошингта.

Отам-онам ўсган юрт,
Киндингимни кесган юрт.
Сейларингни соғиндим,
Ойларингни соғиндим.

Мәхримни қабул айла,
Мәхмөн қизингни сийла.
Она қишлоғым – Гужум,
Сенга илжақман ўзим...

ВАТАНИМ ДЕГАНДА

Ватаним деганда жимиirlар жоним,
Жүшиброқ оқади томирда қоним,
Бахтта қоришиқдир бунда ҳар оним,
Мәхр-муҳаббатнинг макони Ватан,
Кўнглим гулга кирган бўстони Ватан!

Истиқлол майдони – беором юрак,
Гулга айланажак бунда ҳар тилак,
Кўзимга завқ бергай куёв-келинчак,
Ёшлиқ тавоғ этар маъводир Ватан,
Умрингга таянч бир маънодир Ватан!

Рангли фавворалар, баланд минорлар,
Минг йиллик садалар, қадим чинорлар,
Ҳар шоху бутоги куйлар изҳорлар,
Шунда ҳам тутамас достондир Ватан,
Парвоз этар бўлсанг, осмондир Ватан!

Бу осмон чароғон, юлдуз конидур,
Ой, қуёш нур сочар каҳкашонидур,
Неча аждодларим нек армонидур,
Армон не, дилдаги жонидур Ватан,
Фахри-ифтихори, шонидур Ватан!

ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК

Камолинг кўркидан лол бўлди жаҳон,
Истиқлолинг муборак, жон Ўзбекистон!

Ҳуррият кўркида мағрурдир бошим,
Мангу порлаб тургай иқбол қуёшим,
Бахт сари чорлайди доно Юртбошим,
Яшайвер, гуллайвер, кўрмагил хазон,
Истиқлол муборак, жон Ўзбекистон!

Гул бўлсам, ранг берган она тупроқсан,
Кўнглимни ёритган мангу чироқсан.
Не-не ўлкалар бор, жаннатга менгзар,
Сен мингта жаннатдан ҳам яхшироқсан.

Бир сенинг бағрингда яйрайди жоним,
Тўйларинг муборак, Ўзбекистоним!

Күркингдан айланай, шонингдан сенинг,
Эй она бешигим, волидам менинг,
Осмонлардан баланд, кенг эрур феълинг,
Кенг феълга муносиб шонинг муборак,
Ҳар лаҳзаси шукуҳ онинг муборак!



ДИЛДА ИФТИХОР

Қайдаки устувор қонун-интизом,
Шунда халқ яшайдур шоду фаровон.
Бошида бахт қуши парвона бўлар,
Бундай юрт осмони мудом чароғон.

Қайда маънавият – қойим пойдевор,
Кўнгилда кўкларни кўзлар журъат бор.
Ҳар жабҳанинг эзгу ривожин кўриб
Фуқаролар туяр дилда ифтихор!

Бу Ватан манимдир, жоним қадарим,
Умрим уммонида танҳо гавҳарим,
Ҳаётим устуни, ҳам тожи сарим,
Буюк юрт, суюк юрт боғим, бўstonим,
Оlam аро тенгсиз ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ШЕЪРИЯТ

Дардларимни қилиб дастурхон
Бошингни оғритдим, қадрдон.
Күзлардаги унсиз ёшимни,
Ахир, сендан тутолмам пинҳон.

Сен яқиним, қалбим сирдоши,
Оқар сувсан мен учун гүё.
Тугатанда дилим бардоши,
Таскинларинг дилимга шифо.

Тўкиб солиб дардларим сенга,
Юрак ҳам тинчили, хайрият.
Буюк бахтдир борлигинг менга,
Эҳ ҳамроизим, дўстим шеърият!



ҮЗИНГГА ҮЗИНГ МАСЬУЛ

Мен үзимни тергаб яшайман,
Назоратим виждан измида.
Хар кунимга назар ташлайман
Иймон деган буюк күзгуда.

Қайси ишим хайрли савоб,
Қай бир сүзим кимни ранжитар,
Хар бирига бергумдир жавоб,
Охиратда, ул тонг-ла маҳшар.

Юртим учун не ишлар қилдим,
Не каромат қилдим халқимга?
Қай юмушни фазилат билдим,
Не истакни солдим қалбимга?!

Она бўлиб болаларимни
Эл ишига қилолдимми шай?
Англашдими нолаларимни,
Топгаймилар халқ учун лаббай?

Агар шундай бўлсалар, рози,
Розидурман умрим борича.
Шудир менга фарзанд эъзози,
Шудир жаннатларга дарича...

ТҮЙЛАР МУБОРАК!

(Фонд Форум томонидан бир неча
йиллардан буён жоайларда үтказылаётгандын
«1000 та никоҳ түйи» акциясидан рұхланыб)

Ұнта келин, үн күёв,
Бирваракай түй бўлди.
Ҳали кўрмаган бирор
Ёр-ёр, ялла куй бўлди.

Истиқлолдан нур ичган,
Бахтли ёшлар топишди.
Толеси бахтни қучган,
Ой-қуёшлар топишди.

Ўзбегимнинг минг йиллик
Қадрияти – саховат
Қайта тикланди, буюк
Ишлар топди камолот.

Фонд Форум ташкилотин
Ғояси топди эъзоз.
Ҳумо ёзди қанотин,
Бахт сари қилди парвоз.

Бундай улув ишларга
Улуг инсонлар шайдир.
Бизнинг азиз Ватанда
Халқ бахтиёр яшайдир.

Бу гояни илгари
Сурғанларга минг раҳмат.
Бахтли бўлсинлар бари,
Бўлсин соғу саломат!



БОЛАЛИКНИ СОФИНИБ...

(Сингилларимга)

Жамалаксоч, жажжигина қизлар эдик,
Осмонлардан бахт юлдузин излар эдик.
Қир-адирда лола териб чарчасак-да,
Үйда қолтан қўтирчоқни сизлар эдик.

Ўйин эди хола-хола, меҳмон-меҳмон,
Гапу гаштак, лой таомлар лиқ дастурхон.
Айтаверсам, сингилларим, эсимда йўқ,
Бўй қизларга айлангандик бизлар қачон?

Балки, илк бор қўшни йигит пахтамизни
Тарозига элтиб берган кун эди ул.
Эҳтимолки, бир безори, бетамизни
Танобини тортиб қўйган кун эди ул.

Не бўлса ҳам кечалари ойга боқиб
Шивир-шивир қилганимиз эсда ҳамон.
Онамизнинг бўлди энди, ухланглар деб
Меҳр ила койишлари улут армон.

Бугун энди, сингилжонлар, бўлдик она,
Ҳар биримиз бир оила соҳибаси.
Бироқ ҳануз эслагаймиз биз пинҳона,
Чорлаб тураг болаликнинг жозибаси...

БОР МЕХРИМНИ СИЗГА БЕРДИМ

(Болаларимга)

1

Улурладим сени, болам,
Лочин бўлиб учгин дедим.
Фариб қалбим тутиб бардам
Самоларни қучгин дедим.

Бор меҳримни беравердим,
Дилим бўлди мисли қуёш.
Камолингни кўрай дедим,
Кўрмай дедим кўзингда ёш.

2

Қалбингга мен қулоқ тутиб,
Умид учқун солавердим.
Ўзлигимни ҳам унутиб,
Сендан умид қилавердим.

Нигоҳингда меҳринг кўриб,
Дилим кўкларга чоғланди.
Она қалбим мумдай зриб,
Бир шам эди, чароғланди.

2014/8	A ¹⁷	618	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
--------	-----------------	-----	----------------------------------------------

3

Бек бўлсин деб бекларга хос
Исл бердим, бердим нишон.
Кўриб қўйсин, қилсин ҳавас
Кўнгли очиқ ҳар бир инсон.

Доно бўлсин, оқил бўлсин
Деб тарбият айладим.
Илм олиб кучга тўлсин
Дебон хуш ният айладим.

4

Шердек бўлсин ҳам бақувват,
Етсин дедим ўз ёрига.
Чекмасин ҳеч ғам, уқубат,
Шукур қилсин борига.

Одамийлик хислатини
Қаноат-ла сездирсинг у,
Онажонини олиб
Бор оламни кездирсинг у...

5

Доим меҳр кўрдим боқиб кўзингга,
Хушнуд бўлдим айтган ҳар бир сўзинтга.
Тангрим ҳаққи, минг розиман, ўргилай,
Меҳринг ўтсин ўғлинг билан қизингга.

Қизим бор деб давраларда ғоздирман,
Кўкда қалбим сор, лочин парвоздирман.
Бахting кўриб ўзимни бахтли санай,
Сен туфайли кўнгли доим ёздирман...



ФАЗИЛАТ

Ҳар бирига бир боқиб,
Кулса дарёдай оқиб,
Ҳар ишини бир мақтаб,
Эртасига нон тахлаб,
Фарзандингни ўйлайсан,
Келажагин бўйлайсан.

Умр деган бир дарё,
Жўшиб оқар, билмайсан.
Қувончу шодликларинг
Қўшиб оқар, билмайсан.
Фарзандингни ўйлайсан,
Келажагин бўйлайсан.

Лекин афсус демайсан
Ўтиб кетган умрингта.
Кеча-кундуз тинмайсан,
Ҳеч бўлмаса, бир зумга.
Фарзандингни ўйлайсан,
Келажагин бўйлайсан.

Асли, ҳаёт шу экан,
Шул экан агадият.
Фарзандини ўйламоқ –
Инсоний чин фазилат.

Зеро, сенинг Онанг ҳам
Болам дея яшаган.
Сен ҳам бўлдинг муҳтарам
Ўз Онангта ўхшаган...

МЎЛЬЖИЗА

Набира кўргач мен савлатли бўлдим,
Қуда-андали ҳам давлатли бўлдим.
Ўн битта неварам, қалблари осмон,
Мен ўзим шуларга ишончли посбон.

Ҳар бирин ўз феъли, ройишлари бор,
Мехри бор, арази, койишлари бор.
Фақат бир нарсага бўлламан хурсанд,
«Асал бувижоним» дейишлари бор.

Ўригидан, дерлар, данаги ширин,
Бор меҳр данакда экан яширин.
Мен ҳам буви бўлгач шуни англадим,
Бу ҳаётнинг тўзал totinint сирин...

ҮКСИНМА

Яхши-ёмон ўтиб кетди,
Ўз қисматин тотиб кетди,
Эски яра битиб кетди,
Чил-чил бўлиб ҳеч синма,
Ўксинма, дил, ўксинма.

Дарёларнинг селобидан,
Аёзларнинг азобидан,
Саратонлар саробидан
Беҳудага сен тинма,
Ўксинма, дил, ўксинма.

Тушди бошта не савдолар,
Туҳмат, алам ҳам ғавғолар,
Вақтнинг малҳами даволар,
Аламларга бўйсунма,
Ўксинма, дил, ўксинма.

Асли, душман, ганимлар
Айни шуни кутади.
Сен синмасанг, о дилим,
Ўзи зардоб ютади,
Шунинг учун сен синма,
Ўксинма, дил, ўксинма...

ҲУРМАТИНГИЗ ҚИЛОЛМАСАМ...

Жоним дедим, жонимни лек бахшида
қилолмадим,
Ҳурматингиз, қадрингиз меъёрида билолмадим.
Бироқ доим дилда меҳр ҳам садоқат устувор,
Ҳурматингиз қилолмасам, мендан
тина этманг, ёр...

Ажин тушиб юзларимга, пардозни ҳам унутдим,
Куч-қувватдан кетиб қолдим,
ишва-нозни унутдим,
Бироқ сизнинг амрингизни доимо улур тутдим,
Гар кўнглингиз билолмасам, мендан
тина этманг, ёр...

Сўз келганда тийиб тилим, сизга илҳақ,
жим боқдим,
Кул бўлса-да кўнгил уйим, сабрдан сирға тақдим,
Мадорим йўқ, туролмасман, демадим,
мудом қалқдим,
Тунни кунга улолмасам, мендан
тина этманг, ёр...

ҚАЙДА ҚОЛДИ?

Ишонганим тогим эдинг,
Нафис гулли боғим эдинг,
Содиқ дўст-ўртоғим эдинг,
Ор-номуслар қайда қолди?
Бош айланган жойда қолди!

Йиглаб сендан нажот кутдим,
Дўстим дебон қўлинг тутдим,
Бор дардимни ичга ютдим,
Вафоларинг қайда қолди?
Шовуллаган сойда қолди!

Уялмасдан ичдинг шароб,
Ўз ҳаётинг қилдинг хароб,
Нечун менга бердинг азоб,
Сафоларинг қайда қолди?
Сен йиқилган лойда қолди!

Афсус, афсус қилмадинг ҳеч,
Тақдир хўкмин билмадинг ҳеч,
Ақлингни йир, бўлмасин кеч
Десам, бари қайда қолди?
Жавоб айла, бас, йўқолди...

ЧИН ЙЎЛДОШГА ЗОР БЎЛИБ...

Ётиб қолса иссиқ жон
Чин йўлдошга зор бўлиб,
Топилмаса меҳрибон,
Дил ўксигай хор бўлиб.

Миннатли ош татимас,
Ҳатто қуёш ҳам кулмас.
Ичга кириб тошлинар,
Булутдай дил ғашлинар.

Ҳеч кимсанинг бошига
Бу хил савдо тушмасин.
Ғаним кўнгил ошига
Қошиғи қотишмасин.



ШАРОБХҮРГА

Эгилган бошингни яна эгдилар,
Ор-номус ва қадр бегона бўлди.
У энди одаммас мутлоқ дедилар,
Қалбингда ҳисларинг бирма-бир ўлди.

Кўзим кўр бўлсайди кўргунча мундоқ
Сенинг абгор, ношуд қиёфангни, дўст.
Лаънатлар тилайман шу кунга ҳар чоқ,
Эшигтан сўзимга илон ташлар пўст.

Наҳот, бор-будингни тикдинг бўзага,
Ҳар тунни тонгларга улар майхўрлик.
Ҳурматинг қолмаган ҳайит, рўзага,
Сендан ор қилади онанг ҳам шўрлик.

Кечак маҳаллада бир йигин сабаб
Яна сени тилга олди аёллар.
Мен йирлаб юбордим онангта қараб,
Юрагимни тилди маъюс хаёллар.

Онанг ҳаққи, сен эй фарзанд нобакор,
Шаробдан воз кечгил, эзгу йўлга кир.
Йўқса, умринг ўтар елдек бесамар,
Сени эрмак этар, хор қилар тақдир...

ШУКУР ҚИЛГУМ

Шу кунларни берди менга худойим,
Ҳар лаҳзамга шукроналар айтаман.
Кунглимда ҳаловат, сафолар қойим,
Умримнинг гул фаслига қайтаман.

Ёмонликдан асраб ўзи, яхшига
Дуч қилгани айни бахтнинг ўзи
Бахт айланар юрагимнинг нақшига,
Шукроналик туйғуларим сўзи

Юракнинг титроғи вужудни ўртар,
Ҳисларим бир рангдор байроқ мисоли.
Ёмонлик ожиздир энди муқаррар,
Зафарга эш бўлтай кўнглим иқболи.

Ҳар оташ юракни куйга тўлдирган
Шукrona, қаноат туйғуси улуг.
Қайғу дарахтини мангув сўлдирган
Севинч елларининг нафаси қутлуғ..

Шу кунларни берди менга худойим,
Ҳар лаҳзамга шукроналар айтаман.
Кўнглимда ҳаловат, сафолар қойим,
Умримнинг гул фаслига қайтаман..

МЕХРИНГНИ СОТДИНГ

(Бир бемеҳр отага)

Тубанлик ҳам эви билан-да,
Муросага келмадинг зинҳор.
Сен шу қадар шафқатсизсанки,
Бардош тугаб, қолмади мадор.

Сендан мутлоқ кечиб кетишга
Тополмадим ўзимда журъат.
Дийдорингни тарк этишга
Йўл қўймади ибо, ҳамият.

Кийим кийса бирор фарзандинг,
Миннат ила узиб оласан.
Наҳот, азиз эмас дилбандинг,
Мушт ўқталиб қутқу соласан.

Фарзанд учун олган нарсангни
Пулга чақдинг, меҳрингни сотдинг.
Сенда юрак тошми, харсангми,
Наҳот, залолатга шу қадар ботдинг?

Кун келади, фарзандинг сени
Йиглаб-йиглаб қабрга элтар.
Бироқ билгил, эй жоҳил ота,
Қабристондан чиқиб унutar...

МЕХР ҚОЛДИР ЎЗИНГДАН

Бу дунёда ҳамма омонат,
Меҳмон бўлар атига беш кун.
Мехр қолдир ўзингдан фақат
Ворисларинг – авлодинг учун.

Дунё гўзал, сира тўймайсан,
Тор қилмагин уни ўзингта.
Токи дилдан меҳр қўймайсан,
Борлиқ олам хунук кўзингта.

Ҳар дардингга дардкаш топилгай,
Кўнглинг очиқ, қалбинг бўлса соф.
Андуҳ эшиклари ёпилгай,
Эл ичида топгач эътироф.

Омонат дунёда не қолар?
Ғунчадан ифорлар сочган гул.
Муғанийдан қолар садолар.
Ёмон изсиз кетади буткул.

Бу дунёда ҳамма омонат,
Меҳмон бўлар атига беш кун.
Мехр қолдир ўзингдан фақат,
Ворисларинг – авлодинг учун.

ҲАВАСИМ КЕЛДИ

(Марҳабо Каримовага)

Марҳабохон, ёзганингиз ўқидим,
Кўнглимдагин борин билиб олибсиз.
Дутоналар қалбидаги ҳисларин
Оқ қоғозга инжу қилиб солибсиз.

Хаёлимдан ўтган гумонларим ҳам,
Ҳеч кимга айтмаган армонларим ҳам,
Қулфу калит тушиб сирин очмаган
Дил ғазнасин сақлар ҳамёнларим ҳам –

Барча-барчасидан топибсиз хабар,
Инжа сўзлар билан айлабсиз баён.
Ҳар сўзни зар билиб, ўзингиз заргар,
Мисоли дил розин этибсиз аён.

Аёл бўлса киройи, шундайин бўлар,
Ҳар жиҳати тўла-тўқис, айни сиз каби.
Ҳар сўзида, ҳар ишида бир маъно бўлар,
Сўзларида, кўзларида аён матлаби.

Сизни кўриб чиндан ҳавасим келди,
Яшанг, дедим, омон бўлинг, бор бўлинг.
Кўнглимда илҳомдек бир насим елди,
Қалам тутдим мен ҳам, мададкор бўлинг!

РАШК АЙЛАМАНГ

Билмаганлар билиб олсин яхши-ёмонни,
Улоқтирсин дилдан бари шубҳа-гумонни.
Ҳар оила бахти зур садоқат, асли,
Рашк айлабон қийнамангиз беҳуда жонни.

Севги бўлса, вафо унга ҳар он эгиздир,
Қалб қўргони агад событ, барқарор мудом.
Шубҳа-гумон юракларга мисли бигиздир,
Ҳалок этар соғ туйғуни улар батамом.

Faфлат босгай неча чиркин юраклар, эсиз,
Миннати кўп, тухмати кўп эркаклар, эсиз,
Ушалмаган армон, орзу-тилаклар, эсиз,
Бари-бари қайдан бўлар, айтингиз, пайдо?
Рашк туфайли йўлдан озиб қилгайлар хато.

Кўзларингиз катта очиб қарангиз бир бор,
Севган юрак бўлгай доим ишққа вафодор,
Мехр беринг, вафо қилинг севганингизга,
Рашк туфайли бўлмангиз ҳеч оламда абгор.

ҚАЙДА ХАТО ҚИЛДИМ?

(Қариялар үйидаги онахон моласи)

Тонг-саҳарда бутун туриб эртароқ,
Озурда қалбимта тутдим мен қулоқ.
Ларзата келди-ю, нола қилмади,
Үзингни тут деди қайғудан йироқ.

Үзимни унугиб қўйтганим боис
Кимгадир мен ўрнак бўлишим жоиз.
Нима бўлса берай дебман боламга,
Энди болам бардам, мен эса ожиз.

Едирдим, ичирдим, сочин тарадим,
Ўзим мискин юрдим, унга қарадим.
Болам деб жонимни фидолар қилдим,
Неки зазгулик бор, унга тиладим.

Аммо бутун юрагим қон, бағрим қон,
Ортга қайтмоқ учун йўқ сира имкон.
Болам ташлаб кетган ғарибхонага,
Қайда хато қилдим, ўзим ҳам ҳайрон.

Нима бўлса бўлсин, онаизорман,
Боламни кўрмоқча ташнаю зорман.
Ҳеч кимнинг бошига бу кун тушмасин,
Фарзандим бор, етимдан ҳам абгорман...

КЕКСАЛИК ЭШИГИ

Соч оқариб, тўкилди қошлар,
Ёшликни хотирлаб кўзларда ёшлар,
Дард чекканда тугаб бардошлар,
Кексалик эшигин қоқиб турибмиз,
Ортга армон билан боқиб турибмиз.

Нимадир кемирар тирнағ юракни,
Ҳавога учирдик неча тилакни,
Ёшликни кузатдик бузмай пинакни,
Энди дарё мисол оқиб турибмиз,
Ортга армон билан боқиб турибмиз.

Не баҳтким, қолгуси фарзаанд, набира,
Ўзлари қўйгайлар ўлсам қабрга,
Ҳаммаси-чун шукур айтиб тақдирга,
Уфқдаги қуёшдек балқиб турибмиз,
Оқизоқ олмадек қалқиб турибмиз.

Кетсак, Аллоҳ берсин иймонимизни,
Дилдан олсин, бўлса гумонимизни,
Беҳишт қилсин ётоқ-ризвонимизни,
Боқийлик эшигин қоқиб турибмиз,
Ризолик нишонин тақиб турибмиз.

УЯЛ

(Бир тийиқсизга)

Сен ҳам ташла бир бор олдинга назар,
Жондош, қондошлардан қилмагин ҳазар,
Нописандлик, билсанг, ўзингга зарар,
Бу дунёда яқин кишингдан уял.

Сен ёмонга доим яқин юрасан,
Не ёмонлик қилсанг ўзинг биласан,
Юзинг қора бўлса, кимдан кўрасан?
Қилмишингдан уял, ишингдан уял.

Не учун сендан эл узоқ юрадир?
Сендан не чиқишин улус биладир,
Эҳтимол, сендан эл ҳазар қиладир,
«Ит ётиш, мирза туриш»ингдан уял.

Соғлиғинг, тинчлигинг бой бердинг, ахир,
Сенга ота-онанг меҳри беқадр,
Эй гумроҳ, билсанг гар, умр биттадир,
Елдек бенишон кетишингдан уял.

МАЙЛИ, ЁМОН БЎЛАЙИН

Ёмонмани, яхшимани, билмадим,
Лек ҳеч кимга мен ёмонлик қилмадим.
Фийбат гапни билмасликка олардим,
Бор аламим ичга ютиб қолардим.

Англамайман, шундай бўлса-да ҳар он,
Нега дерлар мени ҳар доим ёмон?
Ким бўлса ҳам мен яхшилик тилардим,
Шунинг учун гапга қолиб юрардим.

Тўғри юрдим, ёмон сўздан узоқман,
Ҳаром келган ризқу рўздан узоқман.
Бор меҳримни фарзандларга атадим,
Миннат, таъна, ёмон кўздан узоқман.

Оиласминг тинчин ўйлаб юрдим мен,
Оналикинг бурчин ўйлаб юрдим мен.
Маишатдан узоқ бўлиб, заҳмат-ла
Аҳил-иноқ, гўзал қўргон қурдим мен.

Шунча қилдим, мени ёмон десалар,
У яхшимас, фийбат томон десалар.
Бандасига, майли, ёмон бўлайин,
Лек Тангрига соҳиб иймон бўлайин.

Хукм ўқиб, ваъз айтарми бандаси?
Инсон, ахир, Тангрининг арзандаси.
Фақат ўзи билгусидир қадримни,
Охиратда бергусидир ажримни.

ИЛТИЖО

Аллоҳимга ёққан бир жойим бўлса,
Гуноҳларим бир-бир ўчирса, шояд.
Савол-жавоблардан мустасно қилса,
Савобларим ажрин берса, ниҳоят.

Гуноҳларим ёмғир каби тўкилса,
Охиратда гўдак каби беғубор.
Менга раҳмат ила шараф ёғилса,
Икки дунём Тангрим этса улугвор.

Жойим қилса равза билан жинондан,
Замзам билан қориштирса лойимни.
Мен сўрайман қабрим узра райҳондан,
То қиёмат васф қилар Худойимни...

КУЛИБ ЮРГИН

Култусиз лабларга ўргат табассум,
Нега мунғаясан мисоли хаста?
Ҳаёт аламларин унутиб бир зум
Қалбингни шодликка айла пайваста.

Кўзларингни севинч тарк этмасин ҳеч,
Қайғу-ҳасратларни улоқтири тамом.
Хафа қилганларнинг сен баҳридан кеч,
Сени кулдирганга кўрсат эҳтиром.

Дунё лаззатидан баҳраманд бўлиб,
Орзу-умид билан олдинга боққин.
Кулиб яша, яшиа завқларга тўлиб,
Қаҳқаҳа гулханин дилингда ёққин.

Зероки, табассум – шифобахш неъмат,
Ҳар неки дардингга бўлғуси малҳам.
Кулиб юрганларга ҳамроҳ баҳт, омад,
Кулгу билан енгар қайғуни одам...

ФИЙБАТЧИГА

Фийбатчи, ҳой ғийбатчи,
Құлингда қора қайчи.
Яхшиларнинг умрини
Бузмогинг шартми, айт-чи.

Бунча күнглинг тор сенинг,
Тилинг мисли мор сенинг,
Ҳәётинг бекор сенинг,
Фийбатчи, сен ғурбатчи!

Кимтадир бериб озор
Лаззат топасан минг бор,
Лекин Тантрим хабардор,
Қиёматда суҳбат-чи?!

Фийбатни қўй, инсон бўл,
Эл дардига дармон бўл,
Охиратинг куймасин,
Кел, соҳиби иймон бўл!

ШИРИНСУХАН БҮЛИНГ

Гул юзли санамлар, сизники замон,
Яйраб яшанг, доим бўлингиз омон.
Чиройли сўзингиз билан тўзалдир
Сиз соҳиба бўлган файзли хонадон.

Меҳр-оқибатли, ҳунарли бўлинг,
Вафо, садоқатдан зеварли бўлинг.
Қайнота-қайнона дуосин олиб,
Маҳалла-кўйда ҳам севарли бўлинг.

Ўтган кунингиздан бўлманг норози,
Ҳар жойда мавжуддир тошу тарози.
Барчага бир кўз-ла боқмоқ қийиндир,
Энг аввал ёрингиз айлангиз рози.

Тенглик қилиб, тенгламани ечиб туинг,
Кўнгил қурсин, араздан воз кечиб туинг.
Ҳаёт шундай, пасту баланд гаплари кўп,
Ҳар қайсига мос кўйлакни бичиб туинг.

Ширинсухан бўлинг доим, элда азиз,
Каломингиз ширин бўлса қанддан лазиз.
Ҳамма бирдек офтоб келин атар сизни,
Эзгуликка йўғрилгувси гул умрингиз...

ҮЙИМИЗНИНГ ПИРИСИЗ, ОТА!

Үйимизнинг пирисиз, ота,
Қалбимизнинг нурисиз, ота.
Оила деб аталган қўрғон
Таянчи сиз, қўри сиз, ота.

Маслаҳатгўй, меҳрибон, ҳамдам,
Фарзандларнинг дардига малҳам.
Дунёдаги энг яхши одам,
Буюклардан буюксиз, ота.

Сиз бор экан, дилларда гуур,
Фахр ҳисси жўшар муқаррар.
Биздан аввал сизни эслашур,
Бирор ишни уддаласак гар.

Бугун қутлуг, гўзал айёмда
Фарзандларнинг номидан қутлаб
Шеърлар битдим сизнинг қалам-ла,
Шогирд, фарзанд бурчимни оқлаб.

Мудом сизга муносиб бўлиб,
Фақат раҳмат келтирай дедим.
Илҳом чори дарёдай тўлиб,
Шеърда меҳрим билдирай дедим...

АДАШГАН ҚИЗ ҚИСМАТИ

Гўзал туннинг чироқларида,
Faфлат босиб титроқларида,
Шайтоний ҳирс сиртмоқларида
Битта оҳу бўлди-ку қурбон,
Эсиз, эсиз, қийналар виждан.

Ҳеч кимсага дардин айтолмай,
Она юртга сира қайтолмай,
Бахт жомини қўлда тутолмай
Ҳалок қилди бегубор жонни,
Увол қилиб ёшлиқ, имконни.

Гул эди ул, хазон қилдилар,
Муҳаббатин арzon билдилар,
Орзуларин дилдан юлдилар,
Парвоз қилмай қўйди қаноти,
Куй бошланмай тинди баёти.

О Яратган, нотанти тақдир,
Қисмат, унинг гуноҳидан кеч.
Ёшлиқ қилиб ул адашгандир,
Ёш бўлмаса алданмасди ҳеч.

Тавба қилди, топди йўлини,
Ҳалолликка уни бошлагин.
Эзгуликлар тутсин қўлини,
Лаънат муҳрин олиб ташлагин...



ИШҚ ТУФАЙЛИ

Мажбур қилиб бўлмас юракни,
Ишқ қалбларга Тангридан нисор.
Вафо деган буюк тилакни
Ишқсиз дилдан кутмоқлик бекор.

Садоқату вафо туморин
Фақат севган юрак қадрлар.
Улар билгай висол хуморин,
Ҳижрон чоги эттайд сабрлар.

Ишқ боридан гул терай десанг
Ҳамда бахтни тутмоқлик учун,
Севганимни эркалай десанг,
Адо этгил ошиқлик бурчин.

Ошиқ кимдир, фидойи юрак,
Севганига ҳар лаҳза қурбон.
Севги асли жасорат демак,
Ишқ туфайли буюkdir инсон!

ИСТАК

Сен ҳам севсанг нима бўларди?
Қайноқ қалбим нурга тўларди.

Эй севгилим, жону жаҳоним,
Сен ҳам севсанг, ошар имконим.

Икки дилни ишқ айласа банд,
Бўлар экан толеи баланд.

Сен ҳам мендек севолсанг агар,
Бахтлар раво бизга муқаррар.

Садоқатга сажда қилайлик,
Ишқ сеҳрини улуғ билайлик.

Мен тилайман туну кун сендан,
Тотли сўзинг аяма мендан.

Кўрган ҳавас қилсин бизларга,
Дуо қилсин: «Киринг юзларга!»

Десин: «Бахтнинг тимсолисизлар,
Сизга ҳавас қилар колдузлар».

Шундай яшаб, шундай ўтайлик,
Ишқ қадрини баланд тутайлик...

МУНДАРИЖА

<i>Сўябоши (Муҳиддин Омон)</i>	3
Ватаним	5
Онамга	6
Она қишлоғим	7
Ватаним деганда	8
Истиқлолинг муборак	9
Дилда ифтихор	11
Шеърият	12
Ўзингта ўзинг масъул	13
Тўйлар муборак!	14
Болаликни соғиниб	16
Бор меҳримни сизга бердим	17
Фазилат	20
Мўъжиза	21
Ўксинма	22
Ҳурматингиз қилолмасам	23
Қайда қолди?!	24
Чин йўлдошга зор бўлиб	25
Шаробхўрга	26

Шукур қилгум.....	27
Меҳрингни сотдинг	28
Мехр қолдир ўзингдан	29
Ҳавасим келди	30
Рашк айламанг	31
Қайда хато қилдим?	32
Жексалик эшиги	33
Уял	34
Майли, ёмон бўлайин	35
Илтижо	36
Кулиб юргин	37
Гийбатчига	38
Ширинсухан бўлиинг	39
Уйимизнинг пирисиз, ота!.....	40
Адаштан қиз қисмати	41
Ишқ туфайли	43
Истак	44

Адабий-бадиий нашр

Айтжон АЛЛАБЕРГЕНОВА

УМРИМНИНГ ФАЗИЛАТИ

Шеърлар

Муҳаррир: Абдулла ШАРОПОВ

Мусаҳҳих: Дилрабо МИНГБОЕВА

Техник муҳаррир: Алимардан АҚИЛОВ

Бадиий муҳаррир: Хуршид ИБРОҲИМОВ

700 сур

Нашриёт лицензияси: АI №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 23.08.2013 й.

Босишига рухсат этилди: 23.09.2013 й.

Офсет қорози. Қороз бичими $60 \times 84 \frac{1}{22}$.

Journal гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Ҳисоб-нашриёт т.: 1,11. Шартли б.т.: 1,39.

Адади: 500 нусха.

Буюртма № 68

«AKADEMNASHR» наприётида тайёрланди
ва чоп этилди.

100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани
20^а-мавзе 42-уй.

Тел: (+99871) 217-16-77

e-mail: akademnashr@mail.ru

web-site: www.akademnashr.uz